

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/31.12.2020.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

**ОТАЖАНОВ БОБУР АБДУЛЛАЕВИЧ**

**ИҚТИСОДИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ПРОКУРОР  
ИШТИРОКИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.04 - Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Иқтисодий процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик  
жараёни ва медиация

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2023 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Отажанов Бобур Абдуллаевич**

Иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор иштирокини  
такомиллаштириш масалалари ..... 3

**Otajanov Bobur Abdullayevich**

Issues of improving the prosecutor`s participation in conducting  
economic court cases ..... 25

**Отажанов Бобур Абдуллаевич**

Вопросы совершенствования участия прокурора в экономическом  
судопроизводстве ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published scientificworks ..... 50

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/31.12.2020.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

**ОТАЖАНОВ БОБУР АБДУЛЛАЕВИЧ**

**ИҚТИСОДИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ПРОКУРОР  
ИШТИРОКИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.04 - Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Иқтисодий процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик  
жараёни ва медиация

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2023 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Yu594 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.proacademy.uz](http://www.proacademy.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович</b> юридик фанлар доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Самарходжаев Батыр Билялович</b> юридик фанлар доктори, профессор <b>Сайдахмедов Умид Муродович</b> юридик фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги</b> <b>ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашининг 2023 йил “26” апрель куни соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42. Тел.: (99871) 202-04-96; факс: (99871) 233-35-81; e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (22-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42, e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz))

Диссертация автореферати 2023 йил “12” апрелда тарқатилди.

(2023 йил “12” апрелдаги 1-рақамли реестр баённомаси).

**К.О. Синдоров**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори,  
профессор

**Н.А. Азизов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича  
фалсафа доктори (PhD), доцент

**Ф.Х. Рахимов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда иқтисодий тизимнинг самарали фаолият кўрсатиши учун иқтисодий жараёнларда қонунийликни таъминлаш ҳозирги кунда ниҳоятда долзарблик касб этиб бормоқда. The Economist нашрининг 2022 йилда олиб борган дунё иқтисодиётининг келажagini башорат қилувчи таҳлилига қараганда, “1900 йилдан бери жаҳон иқтисодиёти таназулга юз тутди, бу одам бошига ялпи ички маҳсулотнинг ўртача 10 йилда бир марта пасайиши билан белгиланади.”<sup>1</sup> Бу эса иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, бу соҳада ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни таъминлашда давлат таъсирининг самарали шакллари ривожлантириш, бинобарин, судларда иқтисодий ишларни кўриш ва ҳал этишда прокуратура органлари иштирокини такомиллаштиришнинг долзарблигини кўрсатади.

Дунёда глобал иқтисодиётнинг тикланиши доимий меҳнат бозори ва таъминот занжири муаммолари ва инфляция босимининг кучайиши шароитида жиддий синовларга дуч келмоқда. БМТнинг 2022 йилги Жаҳон иқтисодий вазияти ва истиқболларига доир маълумотларига кўра, “2021 йилда 5,5 фоизга кенгайганидан сўнг, глобал ишлаб чиқариш 2022 йилда атиги 4,0 фоизга ва 2023 йилда 3,5 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда.”<sup>2</sup> Бу эса иқтисодиёт соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, тадбиркорлик субъектларининг хўжалик фаолиятида юзага келадиган ҳуқуқий вазиятларни ҳал қилиш, иқтисодий судлар томонидан одил судловни амалга оширишни кафолатлаш, суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида прокурор иштирокининг асослари, шакллари ва ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги масалалар бўйича тадқиқотлар амалга оширишни тақазо этмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида мамлакатимиз иқтисодий тизимининг самарали фаолият кўрсатиши учун иқтисодий ўзгаришлар жараёнларининг қонунийлигини таъминлаш, судларда давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратура органлари фаолиятининг стратегик мақсадларидан бири ҳисобланади. Прокурорнинг иқтисодий суд ишларини юритишда иштирок этиш институти анъанавий равишда қонун устуворлигига риоя қилиш, иқтисодий соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этишга давлат таъсирини кўрсатиш шакли сифатида қаралади. Давлатимиз раҳбари томонидан “фаровон ҳаётимиз асоси бўлган тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хорижий инвесторларнинг мамлакатимизда эркин фаолият юритиши учун шароитлар яратиш

<sup>1</sup> Глобал ўсиш секинлашмоқда, лекин ҳали тўхтамайди // <https://www.economist.com/finance-and-economics/2022/05/15/global-growth-is-slowing-but-not-stopping-yet>

<sup>2</sup> World Economic Situation and Prospects 2022 / 13 January 2022 // United Nations, Department of Economic and Social Affairs Economic Analysis // <https://www.un.org/development/desa/dpad/publication/world-economic-situation-and-prospects-2022/>

прокуратура органлари томонидан кафолатланиши”<sup>3</sup> каби вазифаларнинг белгиланиши ўз навбатида иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор иштирокини илмий-назарий ва амалий тадқиқ этишнинг долзарблигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (2018), Фуқаролик процессуал кодекси (2018), Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги (2001) ва “Судлар тўғрисида”ги (2021) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ–4850-сонли “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 13 июлдаги ПФ–5482-сонли “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 24 июлдаги ПФ–6034-сонли “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сонли “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2023 йил 16 январдаги ПФ–12-сонли “Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 30 августдаги ПҚ–3250-сонли “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2020 йил 3 сентябрдаги ПҚ–4818-сонли “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор иштирокини такомиллаштиришнинг айрим масалалари бир қатор процессуалчи олимлар томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, Ш.Шорахметов, С.Якубов, М.Азимов, Э.Эгамбердиев, М.Мамасиддиқов, З.Эсанова, Д.Хабибуллаев, Ф.Отахонов, Ф.Ибратова, М.Тожибоев, С.Марипова, Ҳ.Қўчқаров, И.Салимова, О.Пирматов ва Қ.Авезовлар томонидан мазкур мавзунинг айрим жиҳатлари асосан дарслик ва ўқув қўлланмалар доирасида очиб берилган. Жумладан, Ш.Шорахметов ўз дарслигида прокурорнинг хўжалик процессида иштирокига дахлдор масалаларни баён этган. Қ.Авезов эса иқтисодий процессда тарафлар

---

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди // <https://president.uz/uz/1470>

иштирокини таҳлил қилиш баробарида ушбу шахслар билан прокурор ўртасидаги нисбатга ҳам муносабат қилган. Бироқ, таҳлиллар мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари томонидан асосан прокурорнинг фуқаролик процессидаги иштирокига доир тадқиқотлар амалга оширилганлигини кўрсатади. Фуқаролик процессида прокурор иштирокига доир махсус тадқиқотлар Э.Эгамбердиев, М.Мамасиддиқов, М.Каримов, Н.Мирахмедова, Ш.Шайзаков ва У.Шамшидинов томонидан амалга оширилган.

Иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг процессуал масалалари асосан хорижий давлатлар олимлари (Н.С.Ефремов, Л.Ю.Егорова, А.А.Ковалев, Т.И.Отческа, А.М.Синякина) томонидан ўрганилган. Хусусан, рус олимларидан Н.С.Ефремов прокурорнинг цивилистик процессуал қонунчилигидаги иштирокини ҳуқуқий тартибга солиш муаммоларини, прокурорнинг арбитраж муҳокамасида иштирок этишининг асосларини ҳамда замонавий арбитраж жараёнида прокурор иштирокини моделлаштиришнинг назарий-амалий жиҳатларини тадқиқ этган. Л.Ю.Егорова эса хусусий ва оммавий ҳуқуқни тартибга солишнинг назарий ва амалий жиҳатлари ҳамда судда жамоат манфаатларини ҳимоя қилишнинг мунозарали масалаларини ўрганган. А.А.Ковалев эса арбитраж судлари томонидан ишларни кўришда прокурор иштирокининг тарихий ва ташкилий жиҳатларини, прокурорнинг арбитраж муҳокамасида иштирок этишининг асослари ва шакллари ҳамда прокурорнинг айрим тоифадаги ишларининг кўрилишида иштирок этиш билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этган. Т.И.Отческа ўзининг диссертация ишида иқтисодий манфаатларни таъминлашнинг ҳуқуқий масалаларини, давлатнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунларни амалга ошириш механизмининг муҳим элементи сифатида прокурор назоратининг ўзига хос жиҳатларини, давлатнинг иқтисодий манфаатларини арбитраж судида ҳимоя қилишда прокурор иштирокини ташкил этишнинг ҳуқуқий ва услубий муаммоларини яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар қонунчилигини қиёсий-таҳлил қилиб ўрганган. А.М.Синякина эса тўловга лаёқатсиз (банкротлик) ишларда прокурор иштирокининг айрим жиҳатларини тадқиқ этган. Шунингдек, Ю.Лутченко, А.А.Ковалев, И.Ю.Русских, Т.Н.Пушкина, С.С.Клеценко, А.А.Власов, Е.В.Константинова ва Е.Ю.Резник каби олимлар ўз асарларида судларда прокурор иштирокининг ҳуқуқий аҳамияти тўғрисида турли хил баҳс-мунозарага киришишган.

Беларуслик олим И.Э.Мартыненко томонидан корхоналарнинг ҳуқуқлари, давлат ва жамият манфаатларини прокурор томонидан судда ҳимоя қилиш масалалари ўрганилган.<sup>4</sup>

Хорижий давлатларда иқтисодий судларда прокурор иштироки билан боғлиқ масалалар бўйича махсус тадқиқотлар амалга оширилмаган бўлса-да, бироқ халқаро арбитраж судида иш юритиш билан боғлиқ масалаларда кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, Манчестер университетида *Nahal Allahhi* томонидан “Халқаро арбитраж судида иштирок этишни

---

<sup>4</sup>Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

оптималлаштириш”,<sup>5</sup> Торонто университети юридик факультетида Assel Kazbekova томонидан “Арбитраж судида учинчи шахсларнинг иштироки,<sup>6</sup> Истанбулда Ömer SEVER томонидан “Судьяларнинг мустақиллиги ва прокурор кафолати”<sup>7</sup> мавзусида докторлик диссертациялари устида иш олиб борилган ва ушбу тадқиқотларда судларда прокурор иштироки турли даражада ўрганилган.

Аммо иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор иштирокига доир масалалар Ўзбекистон қонунчилиги асосида яхлит тарзда тадқиқ этилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор иштирокини такомиллаштириш масалалари” мавзусидаги илмий йўналиш доирасида амалга оширилган (2020-2023 й.).

**Тадқиқотнинг мақсади** иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор иштирокини такомиллаштириш масалалари бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистонда иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг ҳуқуқий асослари ва унинг ривожланишини тадқиқ этиш;

судларда иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор иштирокининг илмий-назарий асосларини таҳлил қилиш;

иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор иштироки шакллари кийсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш ва мазмун-моҳиятини очиқ бериш;

прокурорнинг иқтисодий суд ишларини юритиш жараёнидаги ҳуқуқий ҳолати ва унинг процессуал хусусиятларини аниқлаш;

иқтисодий судларда прокурор иштирокини чеклашнинг асослари ва сабабларини таҳлил қилиш;

иқтисодий судларнинг қарорларини қайта кўриш босқичида прокурорнинг процессуал фаолияти ва амалиётини таҳлил қилиш;

давлат мулкни ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳамда тўловга лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишларни судда кўришда прокурор иштирокининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

Ўзбекистонда прокурорнинг иқтисодий суд ишларини юритишда иштирокини такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш.

---

<sup>5</sup> The optimization of court involvement in international commercial arbitration. A thesis submitted to the University of Manchester for the degree of Doctor of Philosophy in the Faculty of Humanities 2016 Nahal Allahhi School of Law // [https://www.research.manchester.ac.uk/portal/files/54588209/FULL\\_TEXT.PDF](https://www.research.manchester.ac.uk/portal/files/54588209/FULL_TEXT.PDF)

<sup>6</sup> The Participation of the Third Parties in the Arbitration Proceedings by Assel Kazbekova. A thesis submitted in conformity with the requirements for the degree of Master of Laws (LLM) Faculty of Law University of Toronto // [https://tspace.library.utoronto.ca/bitstream/1807/42979/14/Kazbekova\\_Assel\\_201311\\_LLM\\_thesis.pdf](https://tspace.library.utoronto.ca/bitstream/1807/42979/14/Kazbekova_Assel_201311_LLM_thesis.pdf)

<sup>7</sup> T.C. İstanbul Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Kamu Hukuku Anabilim Dalı Doktora Tezi Hâkim Bağımsızlığı ve Savcılık Teminatı Danışman Prof. Dr. Zehrettin ASLAN Hazırlayan Ömer SEVER 2502553733 İstanbul 2007 // <http://nek.istanbul.edu.tr:4444/ekos/TEZ/43120.pdf>

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор иштирокини такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистон Республикасида иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг процессуал масалалари билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳамда юридик илм-фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда тарихий, қиёсий-ҳуқуқий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, социологик (анкета сўровлари), статистик маълумотлар таҳлили, қонун ҳужжатларини илмий шарҳлаш, кузатув, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагиларда кўринади:

Иқтисодий судларда ишларнинг кўрилишида прокурор иштирокини кенгайтириш мақсадида прокурор давлат мулкини бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш, битимларни ҳақиқий эмас деб топиш, уларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисида иқтисодий судга даъво тақдим этиш ҳуқуқига ҳеч қандай тўсиқларсиз эга бўлиши асослантирилган;

иқтисодий процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида ишни кўраётган судьяга ишда прокурор қатнашишини зарур деб топган ҳолларда ушбу ишда прокурор иштирок этиши шартлигини қонунчиликда назарда тутиш асослантирилган;

давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, тўловга қобилиятсизлик жараёнидаги ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, иқтисодий судларда тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун юридик, биринчи навбатда, маъмурий ва жиноий жавобгарликни аниқлаш ва уни амалга ошириш мақсадида тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишларни судда кўрилишида прокурорнинг иштирок этиш зарурати асослантирилган;

прокуратура органларининг фуқаролар, юридик шахслар, давлат ва жамият манфаатларини судда ҳимоя қилинишини ҳамда прокурорнинг конституциявий ҳуқуқлари ва ваколатларини амалга ошириш механизминини таъминлаш мақсадида Иқтисодий процессуал кодекснинг 49-моддаси учинчи қисмидан “прокурор бошқа шахсларнинг аризалари билан қўзғатилган ишнинг муҳокамасида ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин эмас”лиги ҳақидаги нормани чиқариб ташлаш таклифи асослантирилган;

банкротлик тўғрисидаги иш бўйича тузилган келишув битими тарафларининг ҳуқуқларини прокурор таъсир чоралари орқали ҳимоя қилинишини ҳамда ушбу жараёнда қонунийликни таъминлаш мақсадида банкротлик тўғрисидаги иш бўйича тузилган келишув битимини тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан прокурорнинг апелляция тартибида протест келтиришга ҳақли бўлишини қонунчиликда назарда тутиш таклифи асослантирилган;

судлар томонидан апелляция шикоятини (протестини) асоссиз қайтарилишининг олдини олиш, суд қарорларидан норози бўлган шахслар ҳуқуқларининг юқори судлар томонидан ҳимоя қилиниши таъминлаш мақсадида апелляция шикоятини (протестини) қайтариш асосларининг рўйхати тугаллиги ва кенгайтирилган тарзда талқин қилинишига йўл қўйилмаслиги ҳақида Олий суд Пленуми қарорида тушунтириш бериш таклифи асослантирилган;

қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш жараёнида прокурор иштирокини таъминлаш мақсадида прокурор ўзи иштирок этган иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши мумкинлиги ҳақида Олий суд Пленуми қарорида тушунтириш бериш таклифи асослантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат;

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига ҳамда ИПКга давлат манфаатига оид ишларнинг кўрилишида прокурор иштирок этишини назарда тутувчи нормаларни киритишга доир таклифлар асослантирилган;

иқтисодий судларнинг давлат ва жамият манфаатларига дахлдор бўлган қарорлари устидан прокурор апелляция ва кассация тартибда протест келтириш борасидаги ҳуқуқларини кенгайтиришга оид таклифлар асослаб берилган;

ИПКда иқтисодий судларга даъво аризасини (аризани) тақдим этиш борасидаги ваколатларини аниқ белгилаш ва прокурорнинг қайси тоифадаги ишларда судга даъво ариза (ариза) киритиши билан боғлиқ нормаларни процессуал қонунчиликда белгилаш таклифи асослантирилган;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 17 ноябрдаги “Иқтисодий судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 125-сонли буйруғида прокурорнинг иқтисодий процесда иштирок этиши шарт бўлган ишлар тоифасини кенгайтиришга қаратилган таклифлар асослантирилган;

иқтисодий судларда ишларни прокурор иштирокида кўришда суд амалиётида юзага келаётган масалаларни ҳал этиш, шунингдек, қонун нормалари бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан “Иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорини қабул қилиш таклифи асослантирилган ҳамда “Иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг айрим масалалари тўғрисида”ги қарор лойиҳаси ишга илова қилинган;

суд ишда прокурор иштирок этиши зарур деб топган ҳолларда прокурор иштирок этиши шартлигини ҳамда қонунда назарда тутилган вазифаларни бажариш мақсадида иш бўйича фикр бериш учун процесга киришишга ҳақли эканлигини назарда тутувчи нормани ИПКга киритиш таклифи ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги миллий қонун нормалари, хорижий давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотлар, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилган ва тегишли ҳужжатлар орқали расмийлаштирилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илгари сурилган таклифлар ва илмий хулосалардан иқтисодий ишларни судда кўришда прокурор иштирокининг процессуал масалаларининг назарий асосларини такомиллаштиришда ҳамда судда иқтисодий ишларни кўришда прокурор иштироки самарадорлигини оширишда инobatга олиниши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти баён қилинган материаллардан иқтисодий процессуал ва фуқаролик процессуал ҳуқуқи, иқтисодий судларда прокурор ваколатини таъминлаш ва бошқа махсус модулларни ўқитишда, мавзуга оид илмий-тадқиқот ишлари олиб боришда, Бош прокурорнинг тегишли буйруқлари ва қонун ижодкорлиги жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор иштирокини такомиллаштириш масалалари таҳлили бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси лойиҳасининг 49-моддаси учинчи қисмини “Прокурор давлат мулкани бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш, битимларни ҳақиқий эмас деб топиш, уларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисида иқтисодий судга даъво такдим этиш ҳуқуқига эга. Қонунда назарда тутилган ёки суд ишда прокурор қатнашиши зарур деб топган ҳолларда ишни кўришда прокурор иштирок этиши шарт” таҳририда баён этишида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2022 йил 14 августдаги 27/2-191-22-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши прокурор томонидан давлат ва жамият манфаатларини судда самарали ҳимоя қилинишини таъминлайди;

“Банкротлик тўғрисидаги иш бўйича тузилган келишув битимини тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан апелляция тартибида протест келтирилиши) мумкин” деган таклифнинг Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2021 йил 20 апрелдаги “Судлар томонидан иқтисодий ишларни апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги 16-сон Қарори 14-бандига киритилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2022 йил 17 августдаги 11-24-22-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши банкротлик тўғрисидаги иш бўйича тузилган келишув битими томонларининг ҳуқуқларини прокурор таъсир чоралари орқали ҳимоя қилинишини кафолатланишига хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2021 йил 20 апрелдаги “Судлар томонидан иқтисодий ишларни апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги 16-сон Қарори 11-бандига “ИПК 269-моддаси

биринчи қисмида назарда тутилган апелляция шикоятини (протестини) қайтариш асосларининг рўйхати тугал бўлиб, кенгайтирилган тарзда талқин қилинишига йўл қўйилмайди” деган тушунтиришнинг киритилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2022 йил 17 августдаги 11-24-22-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши судлар томонидан апелляция шикоятини (протестини) асоссиз қайтаришнинг олдини олиш баробарида суд қарорларидан норози бўлган шахслар ҳуқуқларининг юқори судлар томонидан ҳимоя қилиниши, қўйи судлар йўл қўйган камчиликларни бартараф этилишига хизмат қилган;

ишда иштирок этувчи прокурор ишда иштирок этувчи шахс ҳисобланганлиги боис, у ҳам ўзи иштирок этган иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши мумкинлиги ҳақидаги тушунтириш Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2021 йил 20 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 18-сонли қарор билан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2003 йил 25 июлдаги “Қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришда иқтисодий процессуал қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 111-сонли қарори 1-бандида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2022 йил 17 августдаги 11-24-22-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш жараёнида прокурор иштирокини таъминлашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференция ва илмий семинарларда муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та, жумладан 1 та монография, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференция тўпламида, 4 та илмий журналларда (шундан, 1 таси хорижда) мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация тузилиши кириш, 8 та параграфни қамраб олган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 151 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертация ишининг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблик даражаси ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик

даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳамда уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилинганлиги, апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **“Иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор иштирокини амалга оширишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари”** деб номланган биринчи бобида мамлакатимиз иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг ҳуқуқий асослари ва унинг ривожланиши, судларда иқтисодий ишларни юритишда прокурор иштирокининг назарий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган.

Диссертант иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор иштирокига оид миллий ва хорижий давлатлар (Россия, Қозоғистон, Беларусь) қонунчилигини қиёсий таҳлил қилган ҳолда ушбу давлатларнинг хўжалик процессуал қонунчилигида прокурорларнинг айнан қайси ишларда иштирок этиши ва қайси тоифадаги ишларда прокурор судга даъво ариза (ариза) билан мурожаат қилишга ҳақли эканлиги аниқ белгиланганлигини ижобий тажриба сифатида миллий қонунчиликка жорий этишни таклиф қилади. Ушбу таклиф шунингдек, 2018-2022 йилларда судларда кўрилган ишлар таҳлили асосида иқтисодий судларда прокурорлар асосан давлат манфаатига оид ишларда иштирок этиб келганлиги, биринчи инстанцияда кўрилган жами 613.279 та ишнинг 7,8 фоизида (48.174 тасида), яъни давлат манфаатига оид ишларда прокурорлар иштирок этиб, прокурорларнинг апелляция (574 та), кассация (1.417 та) ва назорат (162 та, 2021 йилгача) протестлари асосида судларнинг жами 2.153 та ноқонуний қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилганлиги, судларнинг давлат фойдасига 17,5 млрд. сўм солиқ, божхона ва бошқа тўловлар, 215 млрд. сўм коммунал ва 1,7 млрд. сўм кредит қарзларини ундириш талабларини рад этиш ҳақидаги қарорлари прокурорларнинг протестларига асосан бекор қилиниб, давлат манфаатлари ҳимоя қилинганлиги билан асослантиради.

Муаллиф ҳуқуқшунос олимларнинг хулосалари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили, респондентлар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари ва хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибаси асосида мамлакатимиз ИПКни такомиллаштиришнинг кейинги босқичида ишларни иқтисодий судларда кўрилишида прокурор иштирокини кенгайтириш талаб этилишини, зеро, давлатнинг иқтисодий манфаатларини судда ҳимоя қилишда прокурор иштирокига оид хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш борасида махсус тадқиқот ишларини амалга оширган олимлар ҳам прокурорнинг давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишдаги ролини юқори баҳолаганлигини таъкидлаб, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига ҳамда ИПКга давлат манфаатига оид ишларнинг кўрилишида прокурор иштирок этиши шартлигини назарда тутувчи нормаларни киритиш мақсадга

мувофиқлиги хусусида асослантилган таклифларни илгари суради.

Диссертант иқтисодий суд ишларини юретишда прокурор иштирокининг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш натижасида бу борадаги қонунчиликнинг ривожланишини қуйидаги босқичларга ажратади: Биринчи босқич - истиқлолнинг дастлабки йилларидан то Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси (ХПК) тасдиқлангунга қадар бўлган босқични ташкил этади (1991-1993 й.й.). Иккинчи босқич 1993 йилнинг 2 сентябрида Ўзбекистон Республикасининг биринчи ХПК амалга киритилган ва янги ХПК қабул қилингунгача бўлган давр (1993-1997 й.й.). Учинчи босқич Ўзбекистон Республикасининг янги ХПК қабул қилинган ва ИПК амалга киритилгунига қадар бўлган давр (1997-2018 й.й.). Иқтисодий суд ишларини юретишда прокурор ваколатларини тартибга соладиган қонунчилик ривожланишининг тўртинчи босқичи янги ИПК қабул қилинган 2018 йилдан то ҳозиргача бўлган даврни ўз ичига олади. Муаллифнинг фикрича, иқтисодий суд ишларини юретишда прокурор иштирокининг ҳуқуқий асосларини даврларга ажратган ҳолда ўрганиш прокурор иштирокига доир нормаларни таҳлил қилиш ва уни янада ривожлантиришда муҳим омил вазифасини бажаради. Мазкур босқичларни таҳлил қилар экан, диссертант ҳозирги кунда иқтисодий процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири - ҳуқуқни қўллаш амалиётида процессуал қонун ҳужжатларининг татбиқ этилишини осонлаштириш ва шу мақсадда қонун нормаларини ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларни кучайтириш эканлиги ҳақида хулосага келади. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида иқтисодий процессуал қонун ҳужжатларининг татбиқ этилишини осонлаштириш иқтисодий ишларни тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқиш ҳамда ҳал этишга омил бўлиши, шу мақсадда амалдаги ИПКда мазкур қонун ҳужжатларида қўлланиладиган атамалар ва юридик таърифлар тезаурусининг берилиши ҳақида хулосага келади.

Диссертант хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси (Беларусь ХПКнинг 1-моддаси) асосида мамлакатимиз ИПКда фойдаланилган асосий атамалар ва уларнинг мазмунини баён этувчи алоҳида модда киритиш таклифини илгари суради. Диссертант ушбу моддада прокурор атамасига қуйидагича таъриф берилишини ва ушбу таъриф орқали прокурорнинг иқтисодий процессда иштирок этиш билан боғлиқ ваколатларини аниқлаштириш имкони яратилишини асослашга ҳаракат қилади: прокурор деганда ваколат доирасида ҳаракат қилувчи Бош прокурор ва унга бўйсинувчи барча прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари, катта ёрдамчилар ва ёрдамчилар, катта прокурорлар ва бош бошқарма, бошқарма ва бўлим прокурорлари тушунилади. Диссертантнинг фикрича, ИПКда қўлланилган асосий атама ва таърифларнинг ўз ифодасини топиши Кодекс нормаларини ҳуқуқни қўллаш амалиётида турлича шарҳланишини истисно этиши, уларнинг ҳаётга татбиқ этилишини осонлаштириши ҳамда судлар томонидан қонунларни бир хилда қўлланилишини таъминлашда, шунингдек иқтисодий ишлар бўйича одил

судловни амалга оширишга кўмаклашиш бўйича ихтисослашган прокурорлар корпусини шакллантиришда муҳим ўрин тутиши ҳақида асослантирилган фикр ва таклифларни билдиради.

Бундан ташқари, диссертант судларда иқтисодий ишлар бўйича одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш бўйича ихтисослашган прокурорлар корпусини ташкил этиш масалаларига ҳам тўхталиб, уларнинг ҳуқуқий мақомини мамлакатимиз ИПК ва “Прокуратура тўғрисида”ги қонунида мустаҳкамлаш таклифини илгари суради.

Диссертациянинг **“Иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг шакллари ва прокурорнинг ҳуқуқий мақоми”** деб номланган иккинчи бобида иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг шакллари ва прокурорнинг ҳуқуқий мақоми, мақсади ва фаолият принципларининг мазмун-моҳияти очиқ берилган, прокурор фуқаронинг, юридик шахснинг ва давлатнинг манфаатларини кўзлаб судга даъво аризаси (ариза) тақдим этиши, прокурорнинг иқтисодий судларда ишларни кўришдаги ваколати ва прокурорнинг ўрни ва аҳамияти илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Жумладан, муаллиф тадқиқотда Ш.Шорахметов, М.Мамасиддиқов, М.А.Викут, М.И.Клеандровнинг нуқтаи назарларини таҳлил қилган ҳолда прокурор ишда иштирок этувчи шахслардан фарқли равишда процесда алоҳида мустақил ҳуқуқий мақомни эгаллайди ва бир вақтнинг ўзида қонунийликни таъминлаш каби вазифани амалга оширади, деган хулосани илгари суради. Диссертант ўз хулосасини иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор ишда иштирок этувчи бирон-бир шахс амалга ошира олмайдиган вазифани, яъни суд қарорларининг қонуний ва асослантирилган бўлишига эришиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек, иқтисодиёт соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ушбу соҳада қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш каби вазифаларни амалга ошириши билан асослашга ҳаракат қилади. Прокурор зиммасидаги вазифанинг хусусиятидан келиб чиқиб, иқтисодий суд ишларини юритишда иштирок этувчи бошқа шахслардан мустақил равишда ҳаракат қилади, шунинг учун ҳам прокурорнинг процесда тараф ёки процессуал маънода даъвогар деган нуқтаи назар билан келишиб бўлмайди, деган хулосага келади.

Муаллиф судлар томонидан иқтисодий низоларни кўриб чиқишда прокурор иштирокининг тарихий тажрибасини ва ҳозирги кундаги хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасини чуқур ўрганиб, иқтисодий суднинг процессуал қонунчиликнинг амалдаги нормаларини қўллаш амалиётини таҳлил қилиш асосида судда прокурорнинг процессуал ҳуқуқий мақомини кенгайтириш зарурлиги тўғрисида хулосани илгари суради.

Диссертант томонидан прокурорнинг иқтисодий судда иштирок этишининг прокуратура фаолиятининг бошқа йўналишлари билан боғлиқлигини

таҳлил қилиб, амалдаги қонун ҳужжатларини, Бош прокурорнинг буйруқларини, суд ва прокуратура амалиётини ўрганиш асосида прокуратура органларининг иқтисодий соҳадаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва иқтисодий судларга протест киритиш билан боғлиқ ташкилий фаолиятини такомиллаштириш зарур, деган хулосасини асослашга ҳаракат қилган.

Диссертант тадқиқот ишида давлат ва жамият манфаатларига дахлдор бўлган масалалар бўйича бошқа шахслар томонидан тақдим этилган даъво аризаси (аризаси) асосида бошланган процесда прокурор ўз ташаббуси билан иштирок этиш ва иш бўйича фикр бериш ҳуқуқини тиклаш тўғрисида ва иқтисодий судларнинг давлат ва жамият манфаатларига дахлдор бўлган қарорлари устидан прокурор апелляция ва кассация тартибда протест келтириш борасидаги ҳуқуқларини кенгайтириш билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилади. Хусусан, тадқиқотчи томонидан бозор иқтисодиётининг жадал ривожланиши шароитида суд харажатларини тўлаш мажбуриятининг мавжудлиги туфайли суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқини амалга оширишда қийналаётган шахслар сонининг янада кўпайиши муқаррарлигини инobatга олиб, прокуратура органларининг фуқаролар, юридик шахслар, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилиш борасидаги ҳуқуқларини кенгайтириш мақсадга мувофиқлиги, шу мақсадда мамлакатимиз ИПКнинг 49-моддаси учинчи қисмидан “прокурор бошқа шахсларнинг аризалари билан кўзғатилган ишнинг муҳокамасида ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин эмас”лиги ҳақидаги нормани чиқариб ташлаш ва суд мазкур ишда прокурор иштирок этиши зарур деб топган ҳолларда прокурор иштирок этиши шартлигини ҳамда қонунда назарда тутилган вазифаларни бажариш учун иш бўйича фикр бериш учун процесга киришишга ҳақли эканлигини назарда тутувчи нормани ИПКга киритиш таклиф қилинган.

Шунингдек, диссертант фикрича, миллий ва хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасини таҳлил қилиш ҳамда суд амалиётини ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, мамлакатимиз ИПКда ҳам прокурорнинг иқтисодий суд ишларини юритишдаги иштирокининг муҳим шакли бўлмиш - иқтисодий судларга даъво аризасини (аризани) тақдим этиш борасидаги ваколатларини аниқ белгилаш ва прокурорнинг қайси тоифадаги ишларда судга даъво ариза (ариза) киритиши билан боғлиқ нормаларни процессуал қонунчиликда белгилаш мақсадга мувофиқдир. Тадқиқот доирасида амалиётчи юристлар ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, унда иштирок этган 6286 нафар респондентнинг 83,41 фоизи ушбу масалани ижобий деб баҳолашган.

Муаллиф Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 17 ноябрдаги “Иқтисодий судларда ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 125-сонли буйруғида кўрсатилган ишларда прокурор иштироки мажбурийлигини ИПКда ҳам белгилаш лозим, деган хулосага келади.

Диссертант томонидан тадқиқот натижалари бўйича прокурорнинг иқтисодий суд ишларини юритиш жараёнидаги процессуал ҳуқуқий ҳолатини такомиллаштириш мақсадида мамлакатимиз ИПК 49-моддаси бешинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф қилинади:

“Давлатнинг манфаатларини кўзлаб даъво аризаси (ариза) тақдим этган прокурор даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланади ва унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади, бундан келишув битими ёки медиатив келишув тузиш ҳуқуқи ҳамда суд харажатларини тўлаш мажбурияти мустасно. Фуқаронинг ва юридик шахснинг манфаатларини кўзлаб даъво аризаси (ариза) тақдим этган прокурор агар даъвогар рози бўлмаса, ўзи арз қилган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, қўшимча талаблар билдиришга, даъво талабларининг миқдорини кўпайтиришга ёхуд камайитиришга ҳақли бўлмайди.”

Диссертант прокурор томонидан номуайян доирадаги шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан судга даъво (ариза) тақдим этиш ҳуқуқи ва уни амалга ошириш тартиб-таомилларининг қонунчиликка киритилиши айтилиши бир вақтда давлатга ҳам, жамиятга ҳам бирдек керакли бўлиб, оммавий тусдаги манфаатларни ҳимоя қилишнинг самарали воситасидир, деган хулосага келади. Бундай даъволарни кўриб чиқиш учун қабул қилган судлар бир вақтнинг ўзида бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласини ҳал этиб, ўз навбатида талайгина процессуал чиқимларнинг олдини олади. Шу мақсадда диссертант тадқиқот ишида прокурор томонидан номуайян доирадаги шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан судга даъво (ариза) тақдим этиш ҳуқуқи ва уни амалга ошириш механизмлари мамлакатимизнинг иқтисодий процессуал қонунчилигида батафсил тартибга солиниши лозим, деган таклифни илгари сурган. Тадқиқот доирасида ўтказилган сўровномада иштирок этган 6286 нафар респондентдан 49,86 фоизи ушбу норманинг қонунчиликка киритилиши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунларнинг бажарилишини назорат қилишга кўмаклашади, 24,89 фоизи бундай даъволарни кўриб чиқиш учун қабул қилган судлар бир вақтнинг ўзида бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласини ҳал этиб, ўз навбатида талайгина процессуал чиқимларнинг олдини олади, 10,75 фоизи эса бу норма айтилиши бир вақтда давлатга ҳам, жамиятга ҳам бирдек керакли бўлиб, оммавий тусдаги манфаатларни ҳимоя қилишнинг самарали воситаси ҳисобланади, деган жавобни белгилашган.

Тадқиқот ишининг учинчи боби “**Айрим тоифадаги иқтисодий ишларни судда кўришда прокурор иштирокининг хусусиятлари**” деб номланиб, мазкур бобда тадқиқот доирасида ўрганилган хорижий давлатларнинг (Россия, Беларусь, Қозоғистон, Арманистон) қонунчилик тажрибасида давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) тўғрисидаги ишларда прокурорнинг иштироки билан боғлиқ нормалар

мавжудлигини назарда тутиб, ушбу тоифадаги ишларда прокурор иштирокининг ўзига хос жиҳатлари қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этилган.

Муаллифнинг фикрича, прокурорнинг иқтисодий суд ишларини юритиш жараёнида иштирок этиш тартиб-таомилини белгиловчи қонун ҳужжатларини ҳамда амалдаги суд амалиётини таҳлил қилиш натижасида ҳозирда прокурорнинг иқтисодий суд ишларини юритишдаги иштирокини таъминлашда прокурорнинг ҳуқуқларини чеклаш ва прокурорнинг судда ҳуқуқни ҳимоя қилиш борасидаги ваколатлари ҳамда функцияларини мустақкамлаш ва кенгайтириш каби ушбу икки йўналиш кўпроқ кузатилмоқда.

Ҳуқуқшунос олимлар фикрлари ва хорижий давлатлар қонунчилик таҳлили иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор ваколатларини қисқартириш жамиятнинг иқтисодий соҳасида қонун ва тартибни мустақкамлаш, давлат ва жамият манфаатларининг, аҳоли аксарият қисмининг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг йўналишига мувофиқ келмаслиги, қолаверса, “хўжалик айланмасининг инсофсиз иштирокчилари суд ҳокимияти институтидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш эҳтимолини истесно қилиш” учун ҳам иқтисодий процессда прокурорнинг давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўзига юкланган ваколатларни амалга ошириш мақсадида судга ўз ташаббуси билан даъво аризаси билан мурожаат қилиш ёки суднинг ташаббуси билан ҳамда бошланган процессда ўз ташаббуси билан киришиш ҳуқуқи таъминланиши лозимлиги асослантириб берилган.

Диссертант мамлакатимиз ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиб, ИПКда прокурор фақат тарафларнинг мурожаатлари асосида ишларни суддан талаб қилиб олиши ва суд қарорларига протест келтиришга ҳақли эканлигининг белгиланиши оқибатида ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо суд қарори ҳуқуқлари ва қонуний манфаатига таъсир этувчи шахслар томонидан келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш имконияти чекланганини кўрсатади. Жумладан, иқтисодий суд томонидан “О-Ш” АЖ 96,1 млрд. сўмлик мол-мулки ва пул маблағлари бўлишига қарамасдан ноқонуний равишда банкрот деб топилган. Оқибатда 500 нафардан ошиқ ходимларнинг кейинги тақдири сўроқ остида қолиб, жамиятда 53,9 фоиз улушга эга бўлган давлат манфаатларига ҳам жиддий зарар етказилган. Бош прокуратура томонидан Давлат активларини бошқариш агентлиги ва “О-Ш” АЖ касаба уюшмасининг ушбу суд қарорлари устидан йўллаган ўнлаб мурожаатлари кўриб чиқилиб, улар мазкур иш бўйича тараф ҳисобланмаслиги сабабли ушбу иш бўйича ноқонуний суд қарорларига протест келтириш имконияти бўлмаган. Маълумотларга қараганда, биргина 2021 йил йилнинг 6 ойида ишда тараф (даъвогар ёки жавобгар) бўлмаган, бироқ суд қарори ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таъсир қилган шахслардан келиб тушган 60 та мурожаатларни прокурорлар томонидан кўриб чиқиш ва ноқонуний суд қарорларига протест келтириш имконияти бўлмаган.

Диссертант томонидан ИПКда прокурорнинг давлат мулкини бошқа

шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисида, битимларни ҳақиқий эмас деб топиш, уларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисида иқтисодий судга даъво тақдим этиш ҳуқуқини белгилаш юзасидан тақлиф берилган. Унинг қайд этишича, бюджет, экология, солиқ ва бошқа соҳалардаги юридик шахслар ўз ҳаракатлари билан давлат ва жамиятга энг катта иқтисодий зарар келтиради, шунинг учун ҳам қонунчиликда давлат органлари, маҳаллий ҳокимияти ва бошқа давлат органларга қараганда прокурор судларга жамият манфаатларини ҳимоя қилиш учун даъво ёки ариза бериш борасида кўпроқ ваколатларга эга бўлиши лозим.

